

ISSN 2010-9075

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛІК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ

ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



1

НӨКИС 2024 НУКУС

**БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИНИҢ**

ХАБАРШЫСЫ

**БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

**КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА**

№ 1 (64)

2024

Каракалпакский госуниверситет им. Бердаха

Учредитель и издатель: Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

Главный редактор: доктор технических наук РЕЙМОВ А. М.

Заместитель главного редактора: доктор географических наук ТУРДЫМАМБЕТОВ И.Р.

Ответственный редактор журнала: ТУРСЫНМУРАТОВ М.

Редакционная коллегия:

АБДИНАЗИМОВ Ш. – проф., доктор филологических наук, АБДУЛЛАЕВА М.Н. – доктор философских наук, АЛЕУОВ У. – проф., доктор педагогических наук, АЛЛАМБЕРГЕНОВ К. – проф., доктор филологических наук, АМЕТОВ Я. – доц., доктор биологических наук, АСЕНОВ Г. – проф., доктор биологических наук, БАЙМАНОВ К. – проф., доктор технических наук, БАЛЛИЕВА Р. – доктор исторических наук, БАБАДЖАНОВ Ф. – доц., кандидат филологических наук, БЕРДИМУРАТОВА А. – проф., доктор философских наук, ЖАРИМБЕТОВ К. – проф., доктор филологических наук, ЖОЛЛЫБЕКОВ Б. – проф., доктор географических наук, ЖУМАНОВ М.А. – проф., доктор биологических наук, ИСМАЙЛОВ К.А. – проф., доктор физико-математических наук, КОЩАНОВ Б. – проф., доктор исторических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К. – проф., доктор физико-математических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ М.С. – проф., доктор филологических наук, КУТЫБАЕВА Е. – проф., доктор юридических наук, КАЙЫПБЕРГЕНОВ Б.Т. – доктор технических наук, МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М. – проф., доктор биологических наук, МАМБЕТНАЗАРОВ Б.С. – проф., доктор сельскохозяйственных наук, МАТКУРБАНОВ Р. – доктор юридических наук, МАТЧАНОВ А.Т. – проф., доктор биологических наук, МАШАРИПОВА Т. Ж., – доц., доктор филологических наук, МУМИНОВ Ф.А. – проф., доктор филологических наук, МУСАГАЛИЕВ А. Ж. – доктор экономических наук, РЕЙМОВА З.А. – проф., доктор юридических наук, СЕЙФУЛЛАЕВ Ж. – доктор физико-математических наук, ТАГАЕВ М.Б. – проф., доктор технических наук, ТИЛЕУМУРАТОВ Г. – доц., кандидат филологических наук, УБАЙДУЛЛАЕВ Х. – проф., доктор экономических наук, УТЕБАЕВ Д., – доц., доктор физико-математических наук, УТЕУЛИЕВ Н.У. – проф., доктор физико-математических наук, УРАЗЫМБЕТОВ К.К. – проф., доктор филологических наук, УМАРОВА К. – доктор юридических наук, ХИКМАТОВ Ф. – проф., доктор географических наук.

Журнал издается с 2008 года

Выходит 4 раза в год на каракалпакском, узбекском, русском и английском языках

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, ул. Ч. Абдирова, 1.

Телефон: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Редактор: Машарипова Т. Ж.

Корректор: Кайыпова Ф.Ж.

Компьютерная верстка: Сейдабуллаева Ф.

«Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха» Постановлениями Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015 г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5; 23.12.2016 г., №232/5; 29.12.2016 г., №233/4; 29.03.2017 г., №239/5; 29.08.2017 г., №241/8; 28.12.2017 г., №247/6) включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан, для публикации основных научных результатов докторских диссертаций по научным направлениям История, Философия, Филология, Юридика, Педагогика, Психология, Экономика, Политология, Исламоведение.

Сдано в набор 11. 03. 2024. Подписано к печати 25. 03. 2024. Формат бумаги 60x84 1/8. Печать офсетная. Бум. л. 30,1. Уч.-изд. л. 20. Тираж 300. Цена договорная.

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха. г.Нукус, ул. Ч. Абдирова,1 Журнал зарегистрирован Каракалпакским агентством печати и информации. Регистрационный номер №01-051 от 31 октября 2008 г.

Отпечатано в ООО «Шабнам Омад Нур». г. Самарканд, ул. Зиёкорлар 1.

© Вестник Каракалпакского государственного университета им.Бердаха

Founder and publisher: Karakalpak State University named after Berdakh

Editor in Chief: Doctor of Technical Sciences REYMOV A. M.

Deputy Editor-in-Chief: Doctor of Geographical Sciences TURDYMAMBETOV I.R.

Responsible editor of the periodical: TURSUNMURATOV M.

Editorial team:

ABDINAZIMOV Sh. – prof., Doctor of Philology, ABDULLAEVA M.N. – Doctor of Philosophy, ALEUOV U. – prof., Doctor of Pedagogical Sciences, ALLAMBERGENOV K. – Prof., Doctor of Philology, AMETOV I. – Associate Professor, Doctor of Biological Sciences, ASENOV G. – Prof., Doctor of Biological Sciences, BAYMANOV K. – Prof., Doctor of Technical Sciences, BALLIEVA R. – Doctor of Historical Sciences, BABAJANOV F. – docent, PhD of Philological Sciences, BERDIMURATOV A. – Prof., Doctor of Philosophy, ZHARIMBETOV K. – Prof., Doctor of Philology, ZHOLLYBEKOV B. – Prof., Doctor of Geography, ZHUMANOV M.A. – Prof., Doctor of Biological Sciences, ISMAYLOV K.A. – prof., Doctor of physical and mathematical Sciences, KOSCHANOV B. – prof., Doctor of historical Sciences, KUDAYBERGENOV K. K. – prof., Doctor of Physical and Mathematical Sciences, KUDAYBERGENOV M.S. – prof. Doctor of Philology, KUTYBAEVA E. – Prof., Doctor of Law, KAYPBERGENOV B.T. – Doctor of Technical Sciences, MAMBETULAEVA S.M. – Prof., Doctor of Biological Sciences, MAMBETNAZAROV B.S. – prof., Doctor of Agricultural Sciences, MATKURBANOV R. – Doctor of Law, MATCHANOV A.T. – prof., Doctor of Biological Sciences, MASHARIPOVA T. Zh. – docent. Doctor of Philology, MUMINOV F.A. – prof., Doctor of Philological Sciences, Musagaliyev A. Zh. – Doctor of Economics, REIMOVA.Z.A. – prof., Doctor of Law, SEIFULLAEV J. – Doctor of Physical and Mathematical Sciences, TAGAYEV M.B. – prof., Doctor of Technical Sciences, TILEUMURATOV G. – docent, Candidate of Philological Sciences, UBAYDULLAYEV H. – prof., Doctor of economics, UTEBAEV D. – docent. Doctor of Physical and Mathematical Sciences, UTEULIEV N.U. – prof., Doctor of Physical and Mathematical Sciences, URAZYMBETOV K.K. – prof., Doctor of Philology, UMAROVA K. – Doctor of Law, KHIKMATOV F. – prof., Doctor of Geographical Sciences.

Periodical has been published since 2008

Issued 4 times a year in Karakalpak, Uzbek, Russian and English

Editorial address: 230100, Nukus, st. Ch. Abdirov, 1.

Phone: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Editor: Masharipova T. Zh.

Proofreader: Kayipova F. Zh.

Computer layout: F. Seydabullaeva

"The Herald of Karakalpak State University named after Berdakh" is included in a list of scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of the Minister of the Republic of Uzbekistan for the publication of the main scientific results of doctoral dissertations in scientific areas History, Philosophy, Philology, Law, Pedagogy, Psychology, Economy, Political Science, Islamic Studies, by decrees of the Presidium of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan (20.03.2015 r., №214/2; 18. 11.2015 r., №218/5; 22.12.2015 r., №219/5; 23.12.2016 r., №232/5; 29.12.2016 r., №233/4; 29.03.2017 r., №239/5; 29.08.2017 r., №241/8; 28.12.2017 r., №247/6).

Delivered to the set 11. 03. 2024. Signed for printing 25.03. 2024. Paper size 60x84 1/8. Offset printing. Paper sheet 30,1. Edu.pub. sheet 20. Circulation 300. Price is negotiable.

Karakalpak State University. Berdakh Nukus, st. Ch. Abdirova, 1

The periodical is registered by the Karakalpak Press and Information Agency.

Registration number №01-051 from October 31, 2008

Printed by «Shabnam Omad Nur» Ltd. Samarkand, Intellectuals 1.

СОДЕРЖАНИЕ

ЕСТЕСТВЕННЫЕ И ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

МАТЕМАТИКА. ФИЗИКА.
ТЕХНИКА.

Нуржанов О. Д. Қарақалпақ математикалық терминологиясының қәлиплесіуі хәм раўажланыуы хаққында	4
Курбанбаев Т. К., Нуржанов Б. О. Улыўма орта мектеп математика пәни сабақлықларындағы айырым математикалық терминлер туўралы пикирлер	8
Абекеева А. Бердақ атындағы Қарақалпақ әдебиет тарийхы мәмлекетлик музейи имаратының қарақалпақ миллий архитектура стилин қәлиплесіуіндеги орны хаққында	12
Айтмуратов А., Аскаров Ж., Курбанбаев Т. Классические Γ -матрицы для трехмерной разрешимой алгебры Лейбница	15
Абдиреймов А.Р., Садуллаева М. Спин-факторларда локал хәм 2-локал дифференцияллаўлар	18
Бекиев А.Б., Шихиев Р.М., Бекиева А.А. Разрешимость нелокальной задачи для уравнения четвертого порядка в прямоугольной области	21

ХИМИЯ.БИОЛОГИЯ.
ГЕОГРАФИЯ.

Отамухамедова Г.К., Зиядуллаев О.Э., Икрамов А., Абдурахманова С.С., Қўшбақов Ф.З. Ацетилен спиртлари винилокси эфирларини юкори асосли каталитик системада синтез қилиш усули	24
--	----

ЭКОНОМИКА. ФИНАНС.

Мадреймов Е. Қарақалпоғистон қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини сафарбар этиш шакллари (1946-1950 йиллар)	28
Азимова Ф.П. Тўқимачилик қорхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда молиялаштириш тамойилининг таъминланиши хусусида	31
Xalmuratov K.P. Transport xizmatlar bozorini rivojlantirish muammolari va istiqbollari	34
Отеев У.А., Разбаев С.Н. Билимлендириў тараўларында инновациялардың әҳмийети	35
Қудияров К. Р. Солиқ солишнинг қорхоналар молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш	37
Bekmirzayev M.A. Qishloq xo'jaligining davlat iqtisodiy xavfsizligiga ta'sirini belgilovchi omillar	41
Қудияров К. Р. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини рақамли трансформация қилиш босқичлари	44
Bayjanov S.X. Ondiris kárxanalarinda finansliq turaqliligi támiyinlew jollari	47
Аланиязов Б.У. Состояние и пути развития сфер услуг в регионе Приаралья	50
Turdiyeva G.O., Utepbbergenov A.O. Byudjet esabiniń milliy standartlari hám xaliq ara standartlari boyinsha byudjet qarjilari esabiniń ózgeshelikleri	52
Inyatov A., Salieva G. Awil xojaliginda innovaciyalig ózgerislerdi qollap-quwatlawda shet el tájiriybeleri	55
Inyatov A.R., Madraximova Sh.A. Turizm infrastrukturasin qalıplestiriwde ekoturistik resurslardıń ornı	58
Адилъчаев Б. П. Қарақалпақстан Республикасындағы агротуризм ресурслары, олардың характеристика хәм классификациялары	61
Berdimuratov Q. G. Asalarichilik tarmog'ining xalq xo'jaligidagi ahamiyati	64
Abishov M.S., Nuranov I.B. Agrobiznes subyektlari iskerliginiń swot-analizi	67
Tursinov M.B. Nashriyot korxonalarining iqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili va ularning faoliyatini baholash	70
Qulmetov M., Ulashov A. O'zbekiston sanoat korxonalarining investitsion faolligini moliyalashtirish yo'llari	72

ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ.
ПСИХОЛОГИЯ

Турдымуратов Ж.А., Аюзов И.Ж. Жәмийетте дене тәрбиясы хәм спорт тараўындағы реформалардың әмелге асырылыуы хәм оның заманагөй шәрт-шәраятлары	76
Bekimbetova M.N., Tagaeva G.B., Bekimbetova L.M. Innovatsion texnologiyalar asosida fanlarni o'qitish	74
Машарипова Ш. Р. Работа с учебной текстовой информацией на уроках русского языка	77
Сапарниязов С. Оқыўшы жасларды ғалабалық спорт-саламатластырыў процесине таярлаўдың педагогикалық өзгешеликлери	81
Романова Л. Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом болаларни шакллантириш	84
Абдуллаева М. М. Гендер стереотипларининг оилавий муносабатларга таъсири ҳақида баъзи мулоҳазалар	91
Akimov N.T., Kazakbaev A.M. Mektep jasindagi (16-18 jas) ul hám qız balalardıń dene tárbiyası sabaqlarına kózqaraslarin úyreniw	96
Kuralbaev A.K. Sport mekteplerde jas gandbolshilardın oqıw-shınıgıw procesın jetilistiriw metodikası	99
Yosh basketbilchilarning maxsus kuch va tezlik-kuch sifatlarin rivojlantirish vositalari va usullari	103
Djoldasov R. F. Jismoniy tarbiya darslarida o'quvchilarni estetik tarbiyalashning didaktik talablari	108
Турумбетов У. Ю. Басланғыш таярлық дәуиринде жас гандболшылардың ҳәрәкет көнликпе хәм тәжрийбелерин қәлиплестириў өзгешеликлери	111
Qayrov N. A. Sport shiniğıwlarin sikllerge bóliwde jas balalarda kúsh qábiletlerin rawajlandiriwga sirtqi faktorlardıń tásiiri	114

Дайкеева А. Бўлажак педагог шахсини ривожлантиришда акмеологик компетентликнинг аҳамияти	119
Abdimuratov J.P. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda to'g'risozlik fazilatini rivojlantirish	124
Bektursinova L. X. Rahbarlikka zaxira kadr imijini o'zgartirish (korrektsiyalash) va talablarga moslashtirish	128
Primbetov A. A. Ayollar sportidagi mashg'ulotlar, ishlash va ishqibozliklarga texnologiyaning ta'siri	133
Yeshmuratova A.A. Studentlerdin kasiplik kompetencyalarin rawajlandirivda talimnin interaktiv usillarini orn	136
Бекбергенова А.У. «Ер зийўар» дэстанында батырдың елди қорғаў мотиви	142
Кунназаров А. М. Анализ профессиональных особенностей деятельности тренера	146
Sulaymonov T. Tasviriy san'atda plener amaliyoti tushunchasi va talabalarning plener amaliyotida tasavvurlarini oshirish	150
Seytniyazov S.P. Regionalliq socialliq-ekonomikalik sistemalardn turaql rawajlaniv faktorlari	154
Aytimbetova U. Oliy ta'lim muassasalarida raqamli ta'limning ahamiyati va imkoniyatlari	158
Yazdonov U.T., Janonova S.B. Ta'lim va tarbiya uzviyligida shaxsning kommunikativ kompetensiyasini shakllantiruvchi atributlar	163
Qazaqbaev A. M., Tulepov S. K., Qazaqbaev B. M. Jas ospirimlerdin salamatligin bekkemlew ham tereñ bilim beriw	168
Boranbaev O.B., Kamalov U.P., Maksatov S.M. Tenlemelerdi sheshiwde funkciyanin monotonliq qasiyetin qollaniv	173
Allashova N. Baslawish klass oqiwshilarinda kitapqumarliq arqali soylew sheberligin rawajlandiriv	177
Inyatov A.R., Reymbaeva Z.A. Awil xojaligi ekonomikasinda diyxan xojaliqlarinin orn ham oni rawajlandiriv	183
Адашалиева М. М. Важные вопросы развития инклюзивного образования	185
Turgunov M. T. Абу Наср Форобий давлатларнинг келиб чиқиши ҳақида	189
Kazakov A. R., Allayarov I. K. voleybol sport tarixi va taraqqiyoti	194
Turekeeva A. J., Joldasbaeva E. K. Biologiya sabaqlarinda multimediya materiyyalarin qollanivdin ahmiyeti	198
Султбаева Э. С. Жасларды шаңараклык турмысқа таярлаўда қарақалпақ халқының миллий үрп-әдет, салт-дәстүрлериниң психологиялық интерпретациясы	201
Ешниязова Э.Н., Хожаметов Г.Б. Применение метода «чтение с осяновками» при изучении художественного текста	203
Kudaybergenova T. Legal education reforms are a guarantee of increasing the effectiveness of legal education.	206
Ismailova A.K. Raxmetova I.I. Investigating politeness strategies of females in requesting in uzbekistan	209
Shomirzaev M. X. "Texnologiya" ta'limida o'quvchilarini xalq hunarmandchiligi kasblariga o'rgatish	213
Tursunova S. I. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining og'zaki nutqini rivojlantirish	215
Kudaybergenov S. P. Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlarning yoshlar hayotidagi o'mi	218

ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ. ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.

Yusupov Sh. X. XIV–XV asrlarda orolbo'yi, xorazm shaharsozlik madaniyati taraqqiyotining natijalari	221
Умарова К., Панабергенова Ж. Анализ правовых последствий применения искусственного интеллекта в работе совета директоров	223
Насруллаев Н. Х. Ҳанафий Факихи Садр Аш-Шариъа ҳақида	227
Тангирбергенова К. Колониальная экономическая политика царской России на территории Каракалпакстана	230
Сапарбаев С. Ж. Вопросы административно-правового регулирования предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан	236
Сейтимбетов М.К. Республикамызда темир жол коммуникациялары қурылысының тарийхый тийкарлары	240
Юсупов Қ. Шахстын социалласыўында мәлимлеме ресурс орайларының роли	244
Сайпов С.Т. Зооморфные керамические фигурки средневековых городищ южного Приаралья	248
Реймов Р.М. Духовные предпосылки формирования творчества и мировоззрения каракалпакского поэта-мыслителя Ажинияза	253
Юлдашев Б.Э. Туркистонда темир йўл қурилишига таъсир кўрсатган сиёсий омиллар хусусида айрим мулоҳазалар	257
Mamatqobilov T. D. Harbiy xizmatchilar vatanparvarligining ijtimoiy va ma'naviy omillari	260
Сейтмуратов О. Мал шарўашылығының Қарақалпақ халқының турмысындағы жәмийетлик-мәдений әҳмийети	262
Танирбергенов С.Б. Ўзбекстан Республикасы экологиялык сиясатының түсиниги, мақсети ҳам ўазыйпалары	265
Сулайманов С.А., Каюпова М.Д. Қорақалпоғистонда тарихий-археологик туризмнинг имкониятлари ва муаммолар	269
Усенов С.Х. Изучение «ишан-калы» в историографии каракалпакстана	272
Дошниязов Ж.К. Халық педагогикасы: мийнет тәрбиясының мазмұны ҳам өзгешеликleri	276
Айтмуратов Ж. Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарлик нормаларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар	279
Utebaev S. M. Kontrabanda jinoyatini oldini olish muammolari	284
Yazdonov U.T., Janonova S.B. Ta'lim va tarbiya uzviyligida shaxsning kommunikativ kompetensiyasini shakllantiruvchi atributlar	286
Ametova N. Q. O'zbekiston respublikasi jinoyat qonunchiligida qo'shimcha jazo va ularning turlari	289
Akmalov H. A. Konstitutsiyadagi yangi normalar va ularning tahlili	291
Тоғаев Н. Э. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ғоявий-мафкуравий асослари	293
Аскарлов Ф. Правовые основы возможностей адвокатов осуществлять деятельность в сфере недвижимости	296
Камаров А.Н. Судьялар одобининг конституциявий асослари	298
Базарбаева З.Б. Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти	300
Maksetova M.K. Milliy madeniy miyraslardi tusiniwde simvollar teoriyasiniñ ahmiyeti	303
Айтмуратов Ж. «Ағартыўшылық қурбанлары» ямаса «Бегжап трагедиясы» ҳаққында тарийхый дереклер	305
Махаммаджанов Ғ. Замонавий жамият қуришда ижтимоий онг трансформациясининг ўзига хос жиҳатлари	307
Шукуров Н.У. Международный опыт борьбы с коррупцией (на примере Сингапура)	309
Мамбетназаров Г. Дж. Қарақалпақстан жергиликли кеңеслерининг структурасы	311

ФИЛОЛОГИЯ. ЖУРНАЛИСТИКА.

Orazimbetova R.M. Sh. Seyitovtín «xalqabad» romaní leksikasínín semantika-stilistikalıq ózgeshelikleri	315
Қдырбаева У. Қахарманлық дәстанлар тилинде паронимазия	316
Фразеологизмы интеллектуальной семантики в современном русском языке	318
Кененбаев Е.Т. Понятийно-категориальный аппарат интернет-лингвистики в рамках изучения электронного языка	320
Таһирбергенов Ж., Хожаниязова М. «Qoblan» dástanı tilinde dawisli fonemalar	322
Qudaybergenov M. S., Bayımbetova M. B. Inglis hám qaraqalpaq tillerindegi ikonlıq (tulǵalıq) yaki kóriniske eliklewish konceptleri	326
Бекбаўлиев Д. Заманағой баспасөзде интервью жанры	329
Алламбергенова Г.А. Соматикалық фраземалардың стильлик хызметлери	332
Жумамуратова Р. А. Таржимашуносликдаги назарий қарашлар ва таржима вазифалари	335
Бекбергенова А.У. «Ер Зийўар» дәстанында батырдың елди қорғаў мотиви	338
Rasulova N. A. Tez aytishlarning ingliz tili darslaridagi ahamiyati	341
Шамуратов М. Романда Бухара қарақалпақлары өмириниң сүүретлениўи	344
Urazimbetova G.K. Gidronomik toponimlar va frazeologik birliklar	347
Dauletbayev M. Rus tilinde abstrakt atliqlardın úyreniliwi	350
Seytova D.U. Semantic space and meanings of terms	353
Палўанов Б. Әдебий-хроникалық очеркте синтез мәселеси	355

6. Указ Президента Республики Узбекистан, от 05.10.2020 г. № УП-6079. // Национальная база данных законодательства 11.11.2023 г., № 06/23/193/0844.
7. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 17.02.2021 г. № ПП-4996. // Национальная база данных законодательства, 03.12.2022 г., № 06/22/258/1064
8. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 26.08.2021 г. № ПП-5234. // Национальная база данных законодательства 23.08.2022 г., № 06/22/194/0766.

Резюме: мазкур мақолада корпоратив бошқарувда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада сунъий интеллект томонидан қабул қилинган қарорлардан келиб чиқадиган жавобгарлик масаласи, улар билан боғлиқ хавфларни аниқлаш, ҳамда сунъий интеллектнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатдор томонларга таъсири кўриб чиқилган. Бундан ташқари, корпоратив сунъий интеллектни тартибга солиш ва стандартларни ишлаб чиқиш бўйича мавжуд илмий ишларнинг танқидий таҳлили ўтказилган, ва компаниялар учун сунъий интеллект технологияларини бошқарув тизимларига интеграция қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, корпоратив бошқарув, директорлар кенгаши, жавобгарлик, хатарлар, сунъий интеллект этикаси, ҳуқуқий тартибга солиш.

Анализ правовых последствий применения искусственного интеллекта в работе совета директоров

Резюме: В статье анализируются правовые и этические аспекты использования технологий искусственного интеллекта в практиках корпоративного управления. Рассматриваются проблемы определения ответственности за решения алгоритмов ИИ, управления связанными рисками, а также влияния ИИ на права человека и интересы стейкхолдеров. Проводится критический анализ существующих подходов к регулированию корпоративного ИИ и выработке этических норм. Формулируются практические рекомендации для компаний по интеграции технологий ИИ в системы управления.

Ключевые слова: искусственный интеллект, корпоративное управление, совет директоров, ответственность, риски, этика ИИ, правовое регулирование.

Analysis of the legal consequences of the application of artificial intelligence in the work of the board of directors

Summary: The article analyzes the legal and ethical aspects of using artificial intelligence technologies in corporate governance practices. The issues of determining responsibility for AI algorithm decisions, managing related risks, and the impact of AI on human rights and stakeholder interests are considered. A critical analysis of existing approaches to regulating corporate AI and developing ethical standards is carried out. Practical recommendations for companies on integrating AI technologies into management systems are formulated.

Key words: artificial intelligence, corporate governance, board of directors, responsibility, risks, AI ethics, legal regulation.

ҲАНАФИЙ ФАҚИҲИ САДР АШ-ШАРИЪА ҲАҚИДА

Насруллаев Н. Ҳ.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Мовароуннаҳр тарихда ҳанафий фикҳининг маркази сифатида шуҳрат қозонди. Бу минтақада битилган асарларнинг аксарияти ҳанафий фикҳига мансуб. Шу боис ҳанафий мазҳаби, “Мовароуннаҳр мазҳаби” деб ҳам юритилади. Ҳанафий мазҳаби Шарқ оламида ёйилар экан, тобора ривож топиб, кучайиб борди. Дабусий, Ҳалвоний, Сарахсий, Баздавий, Самарқандий каби бир қанча машҳур ҳанафий фақиҳлари ушбу муҳитдан етишиб чиқди [1:305].

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа (ваф.1349) ҳам мана шу ўлкадан етишиб чиққан ҳанафий мактабининг машҳур фақиҳларидан биридир. Шубҳасиз уни машҳурлик даражасига кўтарган сабаблардан бири ҳам мазҳабга эргашгани ва уни ҳимоя қилгани билан боғлиқ. Бу хусусни Муҳаммад Саййид “Мадҳал” асарида шундай ифода этади: “Садруш шариа ҳанафий ва мотрудий бўлгани боис ўз тадқиқотларини шофеъий ва ашъарий олимларига ҳилоф равишда юритади. Доимо уларнинг фикр ва қарашларига раддия билдиради. Аллома Тафтазоний ҳам ашъарий бўлгани сабабли уларни (Шофеъий ва ашъарий олимларини) қўллаб Садруш шариага қаршилик қилишга киришади. Иккиси ҳам буюк мудаққик ва муктадир бўлганлари учун уларнинг изидан келган уламо бу икки муаллифнинг китобларини мароқ билан мутолаа ва тадқиқ қилишга киришганлар. Шу сабабдан уларнинг асарларига кўп сонли хошиялар ёзилиб, бу икки олимнинг иддаоларини муҳокамага қўйиб келадилар” [2:36]. Садруш шариа мазҳаб қарашларининг марказида ҳанафийларнинг уч машҳур имоми – Абу Ҳанифа ва унинг икки шогирда Абу Юсуф ва имом Муҳаммад Шайбонийларнинг ғоялари ётади. Унинг наздида Имом Аъзам қарашлари бошқа мазҳаббошилардан фарқли жиҳатларига эга. Муаллиф асарларида аввало Абу Ҳанифанинг қарашларини бирламчи ўринга қўяди, муҳолифларга қарши Абу Ҳанифа таълимотларини қўллаб қувватлайди. Садруш шариа ўз мазҳабини ҳимоя қилар экан, нафақат ҳанафий мужтаҳидларига тақлид қилади, балки ўрни келганда мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифа қарашларига акс бўлган фикрларни таржиҳ эта оладиган, нақлий ва ақлий далилларга таяниб, ўз қарашларини ҳам изҳор этган мужтаҳиддир.

У ҳар қандай масалага киришдан аввал уч имомнинг қарашларини зикр этади. Мужтаҳид сифатида далилларни эътиборга олиш орқали илмий ва фикрий қаноатига кўра ҳаракат қилади. “Мен айтдимки” деб ўзининг қарашларидан асло чекинмайди. Кези келганда аввалги мужтаҳидларнинг усулдаги фикрларини ифода этиб, ҳанафий усулчилари тасбит этган қоидаларига таянади ва изоҳталаб масалаларни ўрнида очиқлашга ҳаракат қилади. Масалан, Садруш шариа, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг “икки далил туфайли ўзга бир далил тарк этилмас” [3:6-7] қарашларини нақл қилгач, ўз сўзига қуйидаги аниқликни киритиб ўтади; унга кўра қувватда тенг бўлган икки далилда, миқдор жиҳатидан ҳам тенг бўлса таржиҳ шарт эмас [4:10]. Яъни бир оят бошқа бир оят билан, бир оят ўзга икки оят билан ва ё бир ҳадис икки ҳадис билан, бир қиёс икки қиёс билан

таъаруз этгани каби очиқланади. Буларнинг барчаси икки тенг далил бўлгани учун уларга таржих ва қувват шарт эмас, дейилмоқда.

Убайдулло ибн Масъуд ибн Тожуш шариа машхур ханафий мазҳаби олимларидан. У зот уламолар оиласига мансуб бўлиб, отаси ва бобосидан илм тақсил қилган. Ақлий ва нақлий илмлардан, илми фикҳ, усул ва дақиқ соҳиби эканидан унинг асарлари давр уламолари наздида мақбул ҳамда омма орасига кенг тарқалиб улгурди [5:81]. Садруш шариа ва унинг барча аждодлари илму фан арбоблари сифатида кўп хурмат ва иззат билан яшаганлар. Абдулхай Лакнавийнинг ёзишича, Саййид Димётий “Таолийкул анвор ало дуррил мухтор” (“Дуррул мухтор китобига ёрқин хошиялар”) номли асарида, унинг насл насабини Пайғамбар алайҳис саломнинг машхур саҳобаларидан бири Убода ибн Сомитга боғлайди. Жумладан, у бундай деб ёзади: “Устозимиз Саййид Муртазо Хусайн силсиласида кўрдимки, Садруш шариянинг насабини куйидагидек зикр этган: Убайдулло ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Махмуд ибн катта Садруш шариа Аҳмад ибн Жамолиддин Абулмакорим Убайдулло ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махбуб ибн Валид ибн Убода ибн Сомит ал-Ансорий ал-Махбубий” [6:199].

Садруш шариянинг насаби ўрганилар экан, ҳар икки бобоси тўғрисида ҳам ёзма асарлар ҳам замонавий адабиётларда турфа хиллик маълумотлар кузатилади. Бу чалкашликларни умумлаштирган турк олими Шукру Ўзен ўзининг мақоласида: “Ота ва оналари томонидан боболари ака-ука бўлиб, Садруш шариа ал-аввалнинг ўғилларидан Тожуш шариа Умарнинг ўғли билан бошқа ўғили Бурҳонуш шариа Махмуднинг кизи бир-бири билан турмуш куриб ва бу турмушдан дунёга келган Масъуд, Тожуш шариа ас-сонийнинг отаси бўлган” деб айтади [7:427].

Лақаблири ва исмларининг ичида энг кўп қўлланилгани “Садр аш- шариа” ҳисобланади. Талабалари орасида, фикҳий китоблар ва бошқа манбаларда ҳам мазкур исм билан тилга олинади. Садуш шариа лақаби ханафий фикҳида мутлақ Убайдуллох ибн Масъуд учун қабул қилинган.

Бухоро тарихи ҳақида бахс юритилган манбаларда “садр” номидан олинган мазкур калимадан диний, сиёсий, идоравий аҳамият касб этган бир сўз тушунилади. XI асрда Мовароуннаҳр ва унга қўшни ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Қорахонийлар сулоласи ўлкада ханафийлик мазҳабига мансуб “Бурҳон” оиласи тарғиботларидан ҳам диний ҳам ижтимоий масалаларда унумли фойдалана олди. Бухородаги таниқли илк садр Бурҳон оиласи бўлиб, ундан кейин иккинчи Абу Ҳанифа (номини олган) сифатида танилган машхур Шамсиддин ибн Моза оиласи турар эди. Кейинчалик бу бошқарув тизими Садруш шариянинг бобоси Шамсиддин ал-Махбубий (Садруш шариа ал-аввал ва ёки ал-акбар) воситасида Махбубийлар оиласига ўтди.

Бу маълумотлардан шу нарса аён бўладики, Садруш шариа лақаби у даврда фақат илмий бир лақаб эмас балки, қозилик мақомидагилар учун маҳаллий бир унвон вазифасини бажарган ҳам эди. Зеро, машхур сайёх ибн Баттутанинг: “ал-Кат” шаҳрига келганимиздан хабардор бўлган Садруш шариа номи билан танилган ал-Кат қозиси талабалари ила менга пешвоз чиқди..., дейди [8:16]. Турк олими Ҳайридин Караман эса: “Қорақунонли ва Оккунонлиларда давлатнинг адлий ва диний ишларида Садр ва Садорат маҳкамаларига қозилар қарар эди”, деган фикрни илгари суради [9:259]. Садруш шариянинг ёшлик даври, Бухоронинг мўғуллар томонидан истило этилиши ва шаҳарнинг катта талофат кўриши даврига тўғри келди. Бу даврда унинг икки Бурҳонуш шариа ва Садруш шариа исмли боболари мўғуллар босқинидан қочиб, Қутлугхонлиларнинг ҳукмронлиги остидаги Кирмонга кўчиб, ўша ерда мударрислик қилдилар. Бу эса, Садруш шариянинг дастлабки таълимни Кирмон шаҳрида олганига далолат қилади [10:46-49].

Муҳаммад ибн Муборакшоҳ ал-Мантикийнинг Ҳирот шаҳрида Садруш шариядан илм ўқигани тўғрисидаги маълумотга кўра, ибн Баттута хижрий 733/1333 йилда Бухорога саёҳатида Ҳирот шаҳридан яқиндагина келган Садруш шариа билан кўришганидан, бобосининг вафотидан сўнг мазкур шаҳардан ўз ватанига қайтгани ва мана шу ерда умрининг охиригача муқим яшаб, асарлар таълиф этгани ва қатор шогирдларга дарс бергани қайд этилади [11:366-368]. Садруш шариянинг илмга теранлиги оилада отадан ўғилга ўтган. У зотнинг ота-боболари илмда қадр топганларидан Садруш шариа ҳам илму ирфонда камолга етишди. У она томондан бобоси Бурҳонуш шариа ила ота томонидан бобоси Тожуш шариядан, улар боболари иккинчи Абу Ҳанифадан деб эътироф этилган Жамолиддин Махбубийдан (ваф.630/1233), у эса, Имоуддин (Абул Маҳосин Рукнул Ислоҳ Садиддун Муҳаммад ибн Абубакр Иброҳим ал-Бухорий) (ваф.573/1178)дан; у Шамсул аимма Заранжарийдан (ваф.512/1119), у Сарахсийдан (ваф.483/1091); у Ҳалвонийдан (ваф.448/1057); у эса, Абу Али Насафийдан (ваф. 424/1033) ... илм таҳсил этган [12:52-54].

Садруш шариа фикҳ ва усули фикҳдан бошқа илмларни ўзлаштириб, бобоси Тожуш шариа ёзган “ал-Викоя”ни ёд олишга киришди ва уни мукаммал ҳифз қилди. Садруш шариа ўзининг “Шарҳ ал-Викоя”нинг мукаддимасида бу ҳақида мана шундай ифода этади: “Бу асарни бобом, ҳазратим, устозим, устозларнинг-устози Бурҳонуш шариа Махмуд ибн Садруш шариа менинг ёдлашим учун ёзди. У зот ушбу асарни босқичма-босқич ёзди. Токи мен асарни ёдлар эдим. Шундай қилиб, китобнинг ёзилиб тугатилиши мен уни ёд олишим билан бир вақтда ниятсизга етди”, деб келтиради. “Ал-Викоя”ни тўлиқ ёд олган Садруш шариа унга “ан-Никоя” номли мухтасар шарҳ ёзди [13:90-110]. “Шарҳ ал-Викоя” Қозон шаҳрида ҳам бир неча йиллар босилиб келинган. Жумладан, хижрий 1318/1901 йилда чоп этилган нусхаларини қатор маҳаллий фондларда учратиш мумкин [14:310].

Садруш шариа бўлиб камол топишида у ёшликдан бутун асарларни, арабча таркиб ва нукталари билан пухта ёд олиш орқали эришди. Аҳком ва масоил мавзуларидаги фикҳий асарларни яхши ўзлаштирди. Унинг “Тавзиҳ” асарида мурожаат этган манбалари ҳам ақлий ва нақлий илмларга оид мавзулардан хабардор эканини

тасдиқлайди. Садруш шариа ҳижрий 747 йили жумодил охир оии сўнггида (1346 йил октябрь ўрталари) Бухорода вафот этган. Қабри Бухородаги Шеробод қабристонида жойлашган [15:70].

Демак, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариа илмий фаолияти давомида қатор фан соҳаларига оид асарлар тасниф эта олди. Жумладан улар қаторига олимнинг калом ва фикҳга оид “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-танқиҳ”, “Муқаддима ал-арбаъа”, “Куллийатул фикҳ”, “Ан-Нуқоя фи масоил ал-Ҳидоя”, “Шарҳ Мухтасар ал-Викоя”, ҳадис илмига оид “Ал-Мустатоба”, мантиқ илмига мансуб “Таъдилул улум”, тилшуносликка тегишли “Ал-Вишоҳ фил маоний вал баён”, араб грамматикасига оид “Шарҳул Фусулил хамсин”, “Фи илмис сарф”, “Рисалату фи илмил Аруз”, ислом тарихига оид “Рисалату таъвили қиссати Юсуф”, фатаво жанрида “Танқиҳ ал-уқуд”, “Фатавои Мовароуннаҳр” номли асарлар қиради ва уларнинг барчаси бизгача етиб келган.

Садр аш-шариа, усули фикҳ, калом, мантиқ, фалсафага оид мўътазила ва ашъарийларнинг қарашларини ўрганиб, ўзининг қатор асарлари орқали уларни илмий асослаб беришга ҳаракат қилди. Масалалар исботида Шарқ оламига кенг танилган ҳанафий мазҳаб соҳибларидан Даббусий, Ҳалвохий, Сарахсий, Баздавий, Самарқандий каби ва бошқа олимлар томонидан тасниф этилган оригинал манбаларга таянди. Шунингдек, масалаларга киришишда бошқа мазҳаб олимларининг қарашларини ҳам назардан четда қолдирмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Kavakcı, Yusuf Ziya. XI ve XII asırlarda Karahaniylar davrinde Mavera' al-Nahr İslam Nukukçilari. – Ankara: Sevinç Matbaası, 1976. – S. 305.
2. Seyyid Bey. Fıkıh Usuluna Giriş. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, 2018. – S. 36.
3. Садруш шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-танқиҳ”. – Покистон, Карачи: “Ал-Бушрий”, 2021. – Б. 6-7.
4. Садруш шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-танқиҳ”. – Покистон, Карачи: “Ал-Бушрий”, 2021. – Б. 10.
5. Ahmet Ozel. Hanefi Fikh Alimleri. – İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, 2006. 2. Baskı. – S. 81.
6. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. (Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари). – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. – 199 б.
7. Sukru Ozen, “Sadrusseria”, DIA, XXXV. – S. 427.
8. Ибн Баттута Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ат-Танжий. “Риҳлату ибн Баттута (Тухфатун назар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-асфар)”. – Работ, 1417. – Б. 16.
9. Hayreddin Karaman. İslam Hukuk tarihi. – İstanbul: İz yayıncılık, 2004. 4-Baskı. – Б. 259.
10. Абдулхай Лакнавий. Умдатур Ривоя ала Шарҳил Викоя. Ж-1. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2018. – Б. 46-49.
11. Ибн Баттута Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ат-Танжий. “Риҳлату ибн Баттута (Тухфатун назар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-асфар)”. – Работ, 1417. – Б. 366-368.
12. Абдулхай Лакнавий. Умдатур Ривоя ала Шарҳил Викоя. Ж-1. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2018. – Б. 52-54.
13. Абдулхай Лакнавий. Умдатур Ривоя ала Шарҳил Викоя. Ж-1. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2018. – Б. 90-110.
14. Раҳимхўжа ибн Алихўжа Шоший. Мухтасар ал-Викоя таржимаси. (Туркий). – Қозон: Ака ука Каримовлар матбааси, 1910.
15. Неъматулло Насруллаев. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий маънавий мероси. – Т.: “Mahalla va oila nashriyoti”, 2022. – 70 б.

Ҳанафий фақиҳи садр аш-шариа ҳақида

Резюме. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ижод фаолияти айнан мўғуллар истилоси даврига тўғри келганлиги шунингдек, ўша даврда мўътазилий, қадарий, жабарий, қарматий каби турли ботил оқимлар таъсири кучайгани учун муаллиф талабаларга ибодат масалаларини энгил ва тез қабул қилиб, уни мустақкам ўзлаштиришини инобатга олган. Чунки, мўғуллар даврида илм ва маърифатнинг сусайиши ҳатто одамларни бирлаштирувчи омилларга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Лекин, Убайдуллоҳ ибн Масъуд каби фақиҳлар қадим анъана ва урф-одатларига содиқ туриб, халқнинг диний-маърифий ҳаёти ва уларнинг онгини оширишга доим интилганлар. Табиий равишда аини давр ва ҳолат учун фикҳий масалалари тўғрисида ихтилофлардан йироқ ҳамда мукамал асарларга эҳтиёж сезилган. Бу Убайдуллоҳ ибн Масъуд асарнинг ёзилишидаги бирламчи сабаб бўлса, иккинчиси уни одамларга тез ва тушунарли етказишдан иборат бўлган.

Калит сўзлар: фикҳ, усули, фикҳ, мўғуллар даври, мадраса.

О деятельности ханафитского факиха садр аш-шариа

Резюме. Поскольку творческая деятельность Убайдуллы ибн Масуда совпала с периодом монгольского нашествия, а также в этот период усилилось влияние различных ложных движений, таких как мутазилиты, кадири, джабари и карматии, автор учел, что ученики легко и быстро принимали вопросы богослужения и прочно осваивали их. Потому что упадок знаний и просвещения в монгольский период сказался даже на факторах, объединяющих людей. Однако такие юристы, как Убайдулла ибн Масуд, были верны древним традициям и обычаям и всегда стремились улучшить религиозную и образовательную жизнь людей и их сознание. Естественно, возникла потребность в совершенных, далеких от споров работах по вопросам юриспруденции за тот же период и ситуацию. Это была основная причина, по которой Убайдулла ибн Масуд написал эту работу, а вторая заключалась в том, чтобы донести ее до людей быстро и ясно.

Ключевые слова: юриспруденция, метод юриспруденции, монгольский период.

About the activities of the hanafi faqih sadr as-sharia

Summary. Ubaydullah ibn Mas'ud Sadr became a teacher of Hanafi jurisprudence as a representative of the ash-Sharia family. He matured under the upbringing of his grandfather, mastered the sciences of wisdom, speech and nature, and became known as a mature scholar, especially in the science of jurisprudence.

Ubaidullah ibn Mas'ud Sadr as-Sharia, a few works classified by Bukhari have survived to this day. The scientist studied the views of Mu'tazilites and Ash'aris on jurisprudence, kalam, logic, and philosophy and tried to substantiate them scientifically through his many works. He relied on the original sources classified before him by the masters of the Hanafi school, widely known in the Eastern world. Also, he did not ignore the views of the scholars of other sects when dealing with issues.

Key words: jurisprudence, method jurisprudence, the mongol period.